9.10.98

*Da'vat*

**Эртанги кун янгича фикрлай оладиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади.**

**Ислом КАРИМОВ**

Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

*1931 йилдан чиқа бошлаган* 1998 йил 1 июль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 48 (7045)

*Ibrat*

**Хоразм вилояти Гурлан туманидаги «Янгиобод» жамоа хужалиги бошқаруви (раиси Қозоқбой Қузибоев) шу ҳудуддаги Ал-Хоразмий номли мактабни таъмирлаш учун 120 минг сўмлик моддий ёрдам уюштирди.**

*O'zbekiston — Tojikiston*

## ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ

Икки давлат раҳбарининг яъни Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаси Президентларининг имзолаган бир қатор хужжатлари айни кунларда ўзининг ижобий ижросини топмоқда. Дарҳақиқат, шу кунларда диёримизда яна бир тадбир — Тожикистон республикаси кунлари кенг нишонланмоқда.

29 июнь куни Тожикистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Бобохон Маҳмадов бошчилигидаги тожикистонлик меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, маданиятимиз ва санъатимиз номоёндалари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар. Мана тўрт кундирки, тожик биродарларимиз даёримизнинг азиз меҳмони.

Агар биз ўтмиш тарихга назар ташласак, Марказий Осиё аталмиш туркизамин ўлкамизда жуда қадим замондан буён ўзбек ва тожик халқлари бир ота-онанинг фарзандларидек дўст ва қадрдон яшаб келганлар.

Марказий Осиёдаги бошқа халқлар билан тожик ва ўзбек халқлари биргаликда иншоотлар барпо этганлар, арик, каналлар қазиб, дашту саҳроларга сув чиқариб, бу ўлкани гулзорга айлантирганлар. Ўзбек-тожиклар диёримиз дахлсизлиги учун чет эл босқинчиларига қарши биргаликда курашиб келганлар. XV асрнинг ёруғ юлдузлари бўлмиш Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар туркизаминда яшовчи халқлар, биринчи навбатда асрлар оша дўст ва қадрдон яшаб келган тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий дўстлик ва биродарликни куйлаб келдилар.

Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўз даврида ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги адабий, маданий дўстлик анъаналарини юқори чўққига кўтардилар. Мавлоно Жомийни ўзига устоз деб билган Навоий икки тилда, ўзбек ва тожик тилларида ҳар икки халқ тақдирини куйлади. Кейинги асрларда ҳам ушбу анъаналар адабиётимизда давом эттирилиб, устоз санъаткорлар Садриддин Айний ва Абдурауф Фитрат томонидан тузилган тазкира-антология тўпламларида ҳар икки халқ ижодкорларига кенг ўрин берганлар. Зуллисонайн адиб Садриддин Айний шўро даврида илк бор ўзининг тожик тилида ёзган ва 1925 йилда «Намунаи адабиёти тожик» — «Тожик адабиётидан намуна» номли 40 бетли қоғоздан иборат антологиясини Москвада нашр эттирганди. Мазкур антологияда 200 дан зиёд форс-тожик ва тожик шоирлари асарларидан намуналар берилганди. Абу Абдулло Рўдакийдан тортиб, то шоир Отажон Пайров Сулаймонгача бўлган тожик шоирлари «намуна»га киритилган.

Айни пайтда устоз Садриддин Айний устозлари Жомий ва Навоий ижодий анъаналарига содиқ қолиб, «Намунаи адабиёти тожик» китобидан 50 га яқин ўзбек шоирларига ва адибларига ўрин берган. С. Айний антологиясига Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий, Фурқат каби кўплаб ўзбек шоирлари ижодидан намуналар берилиши ўзбек ва тожик халқлари адабий дўстлигининг равнақ топганлигидан нишонадир.

Кейинги пайтларда Тожикистондаги нотинчлик икки халқ ўртасидаги дўстлик, биродарлик анъаналарига салбий таъсир этди. Мана, ниҳоят биродарлик карвони йўлга тушди. Жаҳонга юз тутаётган, келажаги буюк диёримизда, Тожикистон адабиёти ва санъати шодиёналари вилоятлар бўйлаб давом этмоқда. Дунёда дўстлик, ҳамжиҳатликдан кучлироқ нарса йўқ. Яъни шоир Рўдакий айтганларидек:

Дунёнинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

**Мажид ҲАСАНИЙ,**
**филология фанлари номзоди**

*Abituriyent-98*

## ТАЛАБГОР УЧУН ИМКОНИЯТ

Ким қайси ўқишга киради ва қандай мутахассисликни эгаллайди? Абитуриент олдида ҳамиша ана шу савол кўндаланг. Ўқишга кирувчининг олдига қўйиладиган талаблар мингта. У олий ўқув юртига кириш учун ҳавола этиладиган тест топшириқларини бажара оладими? Бунинг учун у қандай имкониятлардан фойдаланиши керак?

Олий ўқув юртлари қошида ташкил этилаётган репетиторлик ва пуллик тайёрлов курслари абитуриент учун белгиланган имкониятлардан бири. Шу жиҳатдан олганда, ҳозир республикамиздаги турли олий ўқув юртлари қошида бундай курслар фаолиятини кузатиш мумкин. Жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультети қошида илк марта пуллик тайёрлов курслари ташкил этилди.

Курснинг мақсади нимадан иборатлиги кундек равшан. Абитуриентнинг ўзи хоҳлаган олий ўқув юртига киришига замин тайёрлаш. Бунинг учун тест «Ахборотнома»ларида белгиланган топшириқларни тўғри белгилаб чиқишнинг ўзи кифоя қиладими?

— Йўқ, — деб жавоб беради бизнинг саволимизга факультет декани Карим Раҳмонбердиев. — Курсимиз уч ойлик. Яъни апрель, май, июнь ойларида тингловчилар 200 соатлик машғулотларда иштирок этишлари мўлжалланган эди. Биз бунга эришдик. Бунинг учун ҳар жиҳатдан тингловчига пухта билим бера оладиган ўқитувчини жалб қилдик. Англияда таҳсил олиб қайтган ёш мутахассис Дилшоджон Исмоиловнинг инглиз тили грамматикаси, морфологияси, фонетикасига доир қўлланмаларга асосланиб олиб борган машғулотлари, табиийки, самарасиз кетмайди.

Уч ойлик жадаллашган курсга қабул қилинган 16 нафар тингловчининг қайси олий ўқув юртига ҳужжат топшириши ўз ҳукмига ҳавола. Курс — улар учун имконият, репетитор. У нимани қандай қабул қилса, тест топшириқларини бажарганда юзага қалқиб чиқади. Шу маънода курс тингловчилари ҳам фойдаланиши мумкин бўлган тил ўргатиш ва техник воситалар лабораториясидаги ўқув ва амалий машғулотлари ҳам уларга қўл келмоқда. Тест топшириқлари ўз йўлига. Инглиз тилини ўрганишда оғзаки нутқ талаффузи, гап тузиш, муомала маданияти ҳам асқотади. Бунда абитуриент компьютерга, зарурий ўқув қўлланмаларига, ўргатувчининг панд-насиҳатларига мурожаат қилади.

Абитуриент иккиланиш оғушида: ўзим истаган олий ўқув юртига кира оламанми ёки йўқми? Бу қийноқ вақтинчалик. Ўйлаймизки, тайёрлов курсларига илинж билан қатнаётган абитуриентлар, албатта талаба бўлиш бахтига эришадилар.

**Мухбиримиз**

## JUMLADA JAHON

**● Қирғизистон пойтахтида бўлиб ўтган ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномада иштирок этувчи давлатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари Бош вазирлари кенгаши мажлисида иштирокчи давлатлар аҳолиси соғлиғини сақлаш, иқтисодий ва экологик барқарорликни таъминлаш ва яна бир қанча муаммоларга тааллуқли масалалар муҳокама этилди.**

**● Россия авиация маъмурлари расмий делегациясининг Тошкентга ташрифи давомида фуқаро авиацияси соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.**

**● Очиқ турдаги «Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамиятида тайёрланган ҳамда матбуот ва телекоммуникация агентлиги томонидан чиқарилган Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган почта маркаси муомалага чиқарилди.**

**● Польша Президенти Александр Квасьневский Россияга ўз ташрифи давомида Россия Президенти Б. Ельцин билан учрашиб, икки давлат муносабатларини ривожлантириш юзасидан фикр алмашди.**

**● Италия Бош вазири Романо Проди ҳамда Греция Бош вазири Константинос Симитис Крит оролида бўлиб ўтган музокараларда баёнот бериб, Косово ўлкасида тинчлик ўрнатилиши Болқондаги янги уруш ўчоғини пайдо бўлишининг олдини олади, дейишди.**

**● Хитойлик диссидентларининг Хитой Компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ Бош котиби Жао Цзэянни қабул қилиши тўғрисидаги илтимосномасини ҳозир бу мамлакатда сафарда юрган АҚШ Президенти Билл Клинтон рад этди.**

**БЕСКИД ТОҒИНИНГ СИРИ 2-бет**

**МУОМАЛА ХУСУСИДА СЎЗ 3-бет**

*Dolzarb mavzu*

## ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ

### Улар аввалги кенгашлардан нимаси билан фарқланади?

**Мана, 1997—1998 ўқув йили ҳам якунланди. Ҳадемай, ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари ҳам бошланиб кетади. Ҳозир ана шу кенгашларга тайёргарлик қай даражада кетаётир? Бўлажак кенгашнинг мундарижасидан қандай мавзулар ўрин эгаллаган? Шўъба йиғилишларида қайси бўғинга асосий урғу берилади, муҳокама, мунозара мавзулари асосан нималарга қаратилади? Янги ўқув режаси ва ўқув дастурлари кенгаш муҳокамасига қўйилиши мўлжалланяптими? Умуман, кенгашда таржибали муаллимларнинг иштироки қандай бўлади? Мухбиримизнинг шу каби саволларига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармасининг бошлиғи Гуландон АЛИМОВА қуйидагича жавоб берди.**

— Навбатдаги ўқув йили якунлангач, одатдагидек, янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари бошланади, халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашларидаги галдаги вазифалар аниқлаб олинади. Бу ҳолат анъанага айланган.

Бу йил ўтказилажак август кенгашлари ўтган йилгисидан кескин фарқ қилади. Чунки, ўтган ўқув йили янги қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» асосида бошланди. Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида қатор ҳужжатлар имзоланди ва ҳаётга тадбиқ этилди. Жумладан, «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлар билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида», шунингдек, давлат таълим стандартларини тузиш тўғрисида, асосийси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ва «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низом муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ҳужжат юзасидан Республика комиссияси ва махсус ишчи гуруҳи тузилди, сентябрь ойидан бошлаб кенг кўламда синов-тажриба ўқув режалари ва дастурлари асосида иш олиб бориш мўлжалланмоқда. Анъанавий август кенгашларини ўтказиш даврида янги синов-тажриба ўқув жараёнига масъул ўқитувчиларни, барча халқ таълими ходимларини тайёрлаш, мазкур жараён билан уларни таништириш ва йўналиш бериш керак бўлади.

Ҳозирги кунда Республика Комиссиясининг бир неча йиғилишлари ўтказилди. Иш режалари тасдиқланди, ўқув режаларини тузиш учун талабномалар берилди, эксперимент муаллифлари ҳужжатлар тўпламини қабул қилиб олдилар ва синов-тажриба ўқув режаларини тайёрламоқдалар. Ҳозир янги синов-тажриба ўқув режалари тузиб чиқилди.

Навбатдаги босқич-янги синов-тажриба ўқув режалар ва дастурлар асосида ҳар бир вилоятда олиб бориладиган синов-тажриба майдони — мактабларни аниқлаб олиш. Бундан ташқари алоҳида белгилаб олинган мактаб ёки ўқув муассасасида танлаб олинган ўқитувчилар синов-тажриба жараёнига тортиладилар.

Бу ўринда янги ўқув режа ва дастурларининг синов-тажрибаси учун таянч мактабларини танлашда оқилона ёндашиш лозим. Масалан: математика фани бўйича синов-тажриба жараёни буюк математик Ал-Хоразмий юртида ўтказилади, чунки хоразмлик маорифчилар тайёрлаган ўқувчилар мазкур фан бўйича олимпиадаларда муваффақият қозониб келмоқдалар. Физика фанидан эса Самарқанд вилояти танланди, бу ерда Ургутдаги 34-мактабда физика фанидан ўқув қўлланмаси муаллифи А. Мирзаев хизмат қилади. Бухоро вилояти марказида жойлашган 9-мактабда она тили фанидан синов-тажриба ўтказиш мўлжалланмоқда. Республика пойтахтида эса адабиёт ва хорижий тиллар бўйича синов-тажриба ўтказиш режалаштирилган. Нега деганда, бу ерда Ёзувчилар уюшмаси, хорижий давлатлар элчихона ва ваколатхоналари, бошқа хорижий ташкилотлар мавжудки, бу ишнинг муваффақиятли чиқишига ижобий ёрдам беради. Андижон шаҳридаги 27-мактабда О. Омонова ҳуқуқ фанидан дарс беради, унинг тажрибаси ХТВ ҳайъат мажлисида маъқулланган, шунинг учун унга мазкур фан бўйича синов-тажриба ўтказиш ишониб топширилди. Ўзбек мактабларида рус тили дастурлари синов-тажриба ишлари Жиззах вилояти Зомин туманидаги 1-мактабда ўтказиш режалаштирилган, бу ерда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови ғолибаси Ҳ. Раҳматуллаева ижодий меҳнат қилиб келмоқда. Худди шу фикрни Қарши шаҳридаги 29-мактаб тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси Гулнора Шукурова ҳақида ҳам билдириш мумкин.

Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, синов-тажриба жараёни Республикадаги барча вилоятларни қамраб олади: Фарғонада — «Одобнома», Навоийда-жисмоний тарбия, Сурхондарёда — меҳнат ва ҳоказо. Синов-тажриба дастурлари муаллифлари билан катта тайёргарлик ишлари олиб борилди, тегишли шартномалар тузилди, янги дастурлар тузиш ишлари бошланди ва бу борадаги юмушларни қисқа фурсатларда тугаллаш мўлжалланмоқда. Ҳозирги мавжуд жараённи умумий тайёргарлик даври десак, август синов-тажриба ишларини бошлашга тайёргарлик ойи ҳисобланади. Шунинг учун август ойининг бошларида вилоятлардаги тажриба майдончаларининг тақдимномаси (презентацияси) бўлиши режалаштирилмоқда, дастур муаллифларининг ўқиши бўлиб ўтади ва тегишли ҳужжатлар тайёрланади ҳамда шу ҳужжатлар ва дастурлар асосида ўқитувчилар янги ўқув йилини бошлайдилар. Амалга оширилган ишлар кўлами

**(Давоми 2-бетда)**

**Сўнгги қўнғироқ чалиниши биланоқ илм масканларида янги ўқув йилига тайёргарлик бошланиб кетди. Бу тадбир жойларда ҳар хил усулда амалга оширилмоқда. Масалан, Сирғали туманидаги Ҳамид Олимжон номли мактабда ўқитувчилар ва юқори синф ўқувчиларидан иборат таъмирловчилар бригадаси тузилган. Бригадага мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича муовини Муҳаммаджон Абдуллаев бошчилик қилаяпти.**

**Ҳозирги кунда уларнинг жиддий ва самарали меҳнати натижасида мактаб ичкарисининг 50 фоизи таъмирдан чиқарилди. Қисқаси, аҳил жамоа таъмирлаш ишларини 3 июлгача тугатишга қарор қилишган.**

**Суратда: Таъмирлаш жараёнида юқори синф ўқувчиларидан Саъдулла Мирзабоев, Санжар Тожиев ва Қодир Бозоровлар ҳам фаоллик кўрсатишяпти.**

**Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

## ЯНГИ МАКТАБ ҚАД РОСТЛАЯПТИ

Юртимизда илм масканлари яна биттага кўпаядиган бўлди. Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов, Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Сангча Баҳроновага ҳамроҳ бўлиб Бухоро шаҳрининг Тўқимачи туманида 1296 ўринли улкан, замонавий мактаб биносининг қад ростлаётганини кўриб, энг аввало, шу ўй хаёлимдан ўтди.

Мактаб комплекси қурилишида жуда кўп ташкилот ишчилари баҳамжиҳат ишлашаётганига гувоҳ бўлдик. 163-қурилиш трестининг прораби Амин Ортиқовнинг айтишича, А.Семеновнинг монтажчилар бригадаси, Р.Жумақулов, В.Файзиевнинг ғишт терувчилар бригадаси, М.Давлатов, Н.Қўчқоровнинг пардозчилар бригадаси сифатли ва унумли меҳнат қилишаётган экан.

Ҳафтада 2 марта Бухоро шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Карим Камолов қурилишнинг аҳволидан хабардор бўлиб туришидан, керакли ёрдам уюштираётганидан қурувчилар миннатдор бўлишаяпти. Янги мактаб учун жиҳозлар ҳам келтирилмоқда. Хуллас, мактаб биносини фойдаланишга топшириш янги ўқув йилига мўлжалланаяпти.

**Маҳфуза МАВЛОНОВА**



## ДАРСЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ НАРХИНИ БИЛСАК...

Ҳурматли «Маърифат» таҳририяти! Газетангизда дарсликлар билан ўқувчиларни таъминлаш йўллари ҳақида турли маълумотлар бериб бораётганингиздан мамнунмиз. Ота-оналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомий ташкилотларимиз ёрдам бериш ниятидалар. Аввало уларга мана шундай мақсадлари учун раҳмат! Уларнинг бу маблағларини ҳозирги ўқиётган авлод бир неча баробар қилиб қайтаради, худо хоҳласа.

Бироқ бизни бир маълумотнинг йўқлиги қийнамоқда. Агар иложи бўлса ҳар бир синфга, тўғрироғи бир ўқувчига лозим бўладиган дарсликларнинг нархини газетангизда эълон қилсангиз. Бунда чоп этилиши кутилаётган дарсликларнинг ҳам тахминий нархини берсангиз. Чунки ҳомий ташкилотлар биздан аниқ маблағни айтишимизни сўрашмоқда.

**Избоскан туманидаги 6-мактаб жамоаси**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Газетамизнинг шу йилги 18 апрель сонида 25 та дарсликнинг нархи берилган. Бироқ унинг тўлиқ (чиқаётганлари билан) рўйхатини мутасадди ташкилотлар билан биргаликда газетада чоп этишни режалаштирдик.**



*Bolangizga darslik oldingizmi?*

## ҲОКИМЛАР ЭЪТИБОРИДА

**Газетанинг ўтган сонларида кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашда ҳокимликлар эътиборидан суюниб ёзгандик. Бу тадбирнинг кенг қулоч ёзиб, бутун вилоятлар, туманларни қамраб олаётганлигидан воқиф бўлиб, яна бир суюндик.**

**Эндиги хабаримиз Сирдарё вилоятидан. Сирдарё вилоят ҳокими Ў. Исмоилов барча имкониятларни ишга солиб, вилоятдаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг ҳозирча 50 фоизини дарсликлар билан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди.**

**Вилоят матлубот жамияти (раиси А. Ахатов), «Сирдарёсавдо» концерни (бошлиғи К. Ўроқов), «Сирдарёкитоб» ҳиссадорлик жамияти (раиси О. Микосян) ва вилоят ХТБ зиммасига июль-август ойларида шаҳар ва туман марказларида савдо ярмаркаларини ташкил этиш вазифаси топширилди.**

**Сирдарёликлар фаолияти бошқа жойларда ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатса, ажаб эмас.**

**Р. БОЙМАТОВ**

# ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ

**Улар аввалги кенгашлардан нимаси билан фарқланади?**

(Боши 1-бетда)

билан ўқитувчилар август кенгашларида батафсил таништирилмоғи лозим. Ҳар бир фан ўқитувчиси қайси вилоятда, қайси мактабда ўзи ўқитаётган фан бўйича тажриба-синов ўтказилади — буни, албатта, улар билиши шарт ва бу ҳақда кенгашнинг шўъба йиғилишларида фикр алмашишлари керак. Шу ўринда ўқитувчилар янги Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом билан яхши таниш бўлишлари муҳим аҳамият касб этади. Бундан кейин мактаб педагогик кенгашларида ҳам бу мавзуни, албатта, давом эттириш лозим.

Маълумки, Республикамизнинг барча вилоятларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказлари сентябрь ойидан ўз ишини бошлаши керак. Улар фаолияти доирасида турли хил саволлар юзага келиши мумкин. Бироқ асосий мақсад — болаларнинг касб-ҳунар танлашига ёрдамлашиш, кези келганда, бирор-бир касб-ҳунарга мойиллигини аниқлаш, шу билан бирга уларнинг қобилиятларини, ўқишга бўлган лаёқатларини аниқлашдан иборат. Август кенгашлари жараёнида ўқитувчилар, ўқувчилар, шунингдек, ота-оналарни мазкур Марказнинг мақсад ва вазифалари билан атрофлича таништирмоқ лозим. Яна бир муҳим муаммо бу ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолашда рейтинг усулини қўллашдир. Ҳозир бу хусусда икки муваққат гуруҳ иш олиб бормоқда; улардан бири норматив ҳужжатларни, рейтинг усули ҳақидаги Низомни тайёрлаш, педагог-ходимларни ўқитиш бўйича дастурлар тузиш, иккинчи гуруҳ эса мактаб дастуридаги ҳар бир фан бўйича рейтингни қўллаш устида иш олиб бормоқда. Албатта, ушбу иш жараёнида педагогик жамоаларни мазкур йўналишдаги тўплаган муайян тажрибалари ҳисобга олинади. Айни вақтда аниқланган хато ва камчиликларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик муҳим ўрин тутади. Бу ерда гап шу ҳақдаги, аввалги мавжуд рейтинг усули ўқувчилар ва ота-оналар, шунингдек, ўқитувчилар асосий қисмининг тушунишлари учун мураккаб бўлиб, рейтингни аниқлашнинг муайян тартиби йўқ эди. Бу эса ҳар бир мактабда ўз ҳолича рейтинг усулини ишлаб чиқишига олиб келди. Ўқитувчиларга жуда мураккаб ҳисоб-китобларни олиб боришга тўғри келар эди. Бу эса охир-оқибатда ўқувчиларнинг нафақат фаоллигининг пасайиб кетишига, балки билим олиш фаолиятининг сусайишига олиб келди.

Ишлаб чиқилаётган рейтинг усули барча фанларга нисбатан оммабоп ва қулай, ўқитувчилар билимни баҳолашнинг қулай механизмига эга бўлмоқлари лозим, уларни ўқув жараёнида қўллашга киритиш ўқитувчиларнинг август кенгашларида энг муҳим муҳокама мавзусига айланмоғи керак.

Анъанавий август кенгашларини тайёрлашда асосий эътиборни режадаги йиғилишларга қаратиш лозим. Уларда ҳокимият вакилларининг иштирок этишини ҳисобга олиб ҳамкорликда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар муҳокама қилинади. Масалан, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма қарори асосида тиббий кўрик натижаларини эътиборга олиш, болаларни мактабга тайёрлашни ташкил этиш ва бошқа масалаларни муҳокама қилиш ва ҳоказо. Жорий йилдаги 9-синф битирувчиларининг тақдири масаласи ҳам шулар жумласидандир. Шуни ёдда тутиш лозимки, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш борасида бирорта ҳам битирувчи ўқиш жараёнидан четда қолмаслиги керак. Шу боис, Республика Халқ таълими вазирлигида 10-синф ўқувчиларини мактабга жалб этиш бўйича ҳужжатлар қайта ишланди ва улар тез орада жойларга етказилади. Лекин, бу масаланинг маънавий-маърифий жиҳатларини ёддан чиқармаган ҳолда юқоридан кўрсатмалар кутиб ўтирмай педагогик жамоаларнинг ўзлари ушбу ишларни ташкил қилиш тўғрисида ўйлаб кўришлари муҳимдир. Ўтиш даврида 10-синфга қабул қилиш бўйича қатъий танлов тартиби ташкил қилиш мумкин эмас. Албатта, фанларни чуқур ўқитишга асосланган махсус мактаблар бундан мустаснодир. Режа асосидаги йиғилишларда асосий эътиборни жалб этувчи бир қатор муаммолар ҳам бор. Мана уларнинг баъзилари:

— ўқув муассасаларининг моддий базасини ривожлантириш. Маълумки, ушбу йилда 6340 нафар ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноларини қуриш режалаштирилган. Конференцияларда ушбу масалага шаҳар ва туман ҳокимликларининг ёрдам беришлари ҳақида сўз бормоғи ҳамда мактабларнинг моддий-ўқув базаларини мустаҳкамлаш (ўқув-техник воситалари, компьютерлар билан таъминлаш)да кўмаклашувчи ҳомийлар излаш билан шуғулланмоқ лозим;

— дарсликлар тақсимоти. Бу ерда шу нарсага эътибор бермоқ муҳимки, 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларининг бирортаси ҳам дарсликсиз қолмаслиги керак, чунки улар Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан дарсликлар билан бепул таъминланиши шарт;

— дарс ўтиш услубларини такомиллаштириш. Шуни ёдда тутиш лозимки, халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилишдаги асосий ижрочи ўқитувчидир. Ўқув-тарбиявий жараённи ривожлантириш, унинг маҳорати, ижодкорлиги, фидойилигига боғлиқ.

Шуниси қувончлики, кейинги пайтларда янги педагогик технология жорий қилинмоқда. Иш жараёнининг янги қизиқарли кўринишлари пайдо бўлмоқдаки, улардан бири баҳс-мунозара клубларидир. Уларнинг пайдо бўлиши, аввало, Ўзбекистон телевидениесининг «Акс-садо» кўрсатуви билан боғлиқ. Унда республикадаги бир қатор мактаб (Тошкент шаҳридаги Нафис санъат лицейи, Юнусобод туманидаги 105, 273-мактаб, Марғилон шаҳридаги «Истиқбол» гимназияси) ўқувчиларининг иштироки узоқ вақт томошабинларнинг ёдида қолди, болаларнинг ёркин ва мазмунли чиқишлари бир қатор вилоятларда баҳс-мунозара клубларини ташкил этишга ундади ва бу ҳаракат давом эттирилиши лозим.

Шундай қилиб, анъанавий август кенгашларига ҳам қисқа вақт қолмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» асосида олиб борилган таълим жараёнининг бир йиллик тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик, педагогик жамоалар ва халқ таълими муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашларнинг асосий мақсади бўлиб қолиши шарт. Мактаб педагогик кенгашларида мактаб минбаридан туриб айтилган аниқ ва муҳим фикр-мулоҳазалар ҳам конференцияларнинг асосий натижалари бўлиши керак.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ**
**суҳбатлашди**

# ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

**БМТ Бош котиби Кофи Аннан зудлик билан Нигерияга йўл олди. Бу ерда у мамлакат янги раҳбарияти билан демократлаштириш масалаларини муҳокама этиши кутилмоқда. Унинг айтишича, у генерал Абдусалом Абдубакр томонидан бошқарилаётган янги ҳукуматнинг бу борадаги ҳаракатларидан мамнундир.**

***

**Сербиянинг Косова вилоятида серб қўшинлари этник албанларга қарши янги ҳужумлар бошладилар.**

***

**Хитой телевидениесида сўзга чиққан АҚШ Президенти Билл Клинтон: «АҚШ Хитой билан янги муносабатларни кўришни истайди», деб айтди.**

***

**Россия Молия вазири Михаил Зодорновнинг айтишича, Россия иқтисодий инқирозининг даражасини пасайтириш учун рублнинг қийматини камайтириш керак.**

***

**АҚШ ва Британия ҳукуматлари афъюн-кўкнорини йўқ қилишга қаратилган лойиҳа учун маблағ ажратишганлар.**

***

**Туркия собиқ Бош вазири Нажмиддин Эрбаконга қарши маҳкама жараёни бошланди. Айни замон жаноб Эрбакон Олмониядадир.**

***

**Эрон Ички ишлар вазири Абдулло Нурий мамлакатдаги консерваторларни Президент Ҳотамий ваколатларини четлантириш ва у таклиф этган ислоҳот дастурига қарши чиқишда айблади.**

***

**Исроил Президенти Эзер Безмен Яқин Шарқ тинчлик жараёнини боши берк кўчадан чиқариш учун мамлакат Бош вазири Бенямин Нетаньяхуни янги сайловларни ўтказишга чақирди.**

**Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати**

*Qo'shma hay'at yig'ilishida*

# ЖАМҒАРМАЛАР ВА ТАЪЛИМ

— Таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-мундарижаси, амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўлами мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча ташкилоту идоралар, нодавлат тузилмаларнинг бу борадаги саъй ҳаракатларини мувофиқлаштиришни, ягона мақсад сари йўналиштиришни тақозо этади, — деди халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлисида. Қўшма ҳайъат ҳисобланган ушбу йиғилишда «Маънавият ва маърифат», «Камолот», «Устоз», «Олтин мерос», «Амир Темур», «Маҳалла», «Болалар», «Оила», «Нуроний», «Наврўз», «Оммавий ахборот» воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш», «Меҳр-шавқат ва саломатлик» каби нодавлат марказ ва жамғармалардан масъул шахслар иштирок этишди.

Халқ таълими вазири ўринбосари Й. Саиджонов вазирликнинг ушбу жамғармалар билан ҳамкорлиги ва бу ҳамжиҳатлик яхши натижалар бераётганлиги хусусида тўхталди. Албатта республикамиз фуқароларининг барча ижтимоий қатламларини қамраб олган юқоридаги жамғармаларнинг ҳамда Халқ таълими вазирлигининг таълим-тарбия борасидаги бақамтиллигида ҳам маънан, ҳам моддий имкониятлар чексиз. Мазкур йиғилишда сўзга чиққанларнинг ҳар бири амалда қилиши мумкин бўлган ишларни санаб, буни яна бир бор исботлашди. Муҳокамалардан сўнг қабул қилинган қўшма хайъат қарорида ушбу вазифалар ўз аксини топди. Уларнинг ижросини вақти-вақти билан ўзаро биргаликда назорат этиб боришга келишиб олинганлиги эса ўйлаймизки, белгиланган ишларнинг қоғозда қолиб кетмаслигини кафолатлайди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-қарорида асосан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифаларини босқичма-босқич амалга ошира боришда аввало умумтаълим мактаблари (I-IX синфлар) учун мўлжалланган дастур ва дарсликларни яратиш муҳим масала сифатида таъкидланган. Ҳайъат мажлисининг иккинчи масаласи ҳам ушбу муҳим вазифанинг бажарилиши билан боғлиқ эди. Бу жараённинг қандай кечаётганлиги билан қатнашчиларни Республика таълим маркази директори Ғ. Шоумаров хабардор қилди. Маълум бўлишича, ўрта умумий таълим ўқув режасидаги барча фанлар бўйича таълим Давлат стандартлари ва дастур лойиҳалари ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказишга тайёрланмоқда ҳамда 1—9 синфлар учун дастур ва дарсликлар яратиш режаси ишлаб чиқилиб, муаллифлар гуруҳи шакллантирилган. Ҳайъат мажлиси бажарилган ишлар хажмини аниқлаб, галдаги ишларни жадаллаштиришга хизмат қиладиган чора-тадбирлардан иборат қарор қабул қилди. Унда тайёрланажак миёрий ҳужжатлар, ўқув дасрликлари, қўлланмаларининг мазмунли ва сифатли чиқишини таъминлаш, энг муҳими уларни ўз вақтида белгиланган тажриба-синов майдончаларига етказиш билан боғлиқ бир талай вазифалар масъул шахслар зиммасига юкланган.

**Мухбиримиз**

# «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА БУГУНГИ ТАРБИЯ

Тарихий қадриятларимиз, буюк давлат арбоби, мутафаккир алломалари фаолияти мисолида ёшларни тарбиялаш доимо катта натижалар берган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг серқиррали фаолияти, унинг «Тузуклари», васиятлари, ўгитлари ва унинг шахсига хос фазилатларининг ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти ошиб бормоқда. Шуни эътироф этишимиз лозимки, Соҳибқироннинг «Тузуклари» икки қисмдан иборат бўлиб бошидан охиригача ибрат бўладиган фикрлар, хулосалар мулоҳазалар билан тўлиб-тошган.

«Темур тузуклари»нинг бошидан охиригача туркий халқларга хос миллий руҳ сезилиб туради. Соҳибқирон ўта тадбиркор, сермулоҳазали ва қатъийлик хусусиятларини ўзида жамлаган инсон бўлган. Масалан, салтанатни бошқаришда тўртта муҳим қоидага риоя қилган: Биринчи Кенгаш, иккинчиси — Машварату маслаҳат, учинчиси — қатъий қарор тадбиркорлик ва ҳушёрлик, тўртинчиси — эҳтиёткорлик.

Амир Темур мустақил фикр ва мулоҳазалар юритадиган амирларни, вазирларини, сипоҳларни, ҳокимларни жуда қадрлаган ва мартабасини бир поғона кўтариб қўйган.

Амир Темур ўзининг даргоҳига илтижо қилиб паноҳ истаб келган турку тожик, арабу ажам атоифлардан бўлганлар борасидаги тузугида шундай деб ёзади: «Агар касбу-ҳунар ва маърифат аҳлларидан бўлса, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Деҳқонлар ва раиятлар қайси бирининг деҳқончилик қилишига қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин».

(Темур тузуклари, 1991 й. 6-7 бет).

Ўқувчи-ёшларни Амир Темурнинг ўз фарзандларига қарата айтган васиятномасининг мазмуни билан таништириш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Соҳибқирон ўлими олдидан шундай васият қилганлар. «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни зангинлар (бойлар) зулмига ташламанг. Адолат ва йиллик (яхшилик) қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин».

Ҳар бир ўқувчи-талаба онгига, шуъурига бобокалонларимиз ўгитини сингдирмоқ биз ўқитувчи ва тарбиячиларнинг бурчимиздир.

**Айнура МАМБЕТОВА,**
**Жиззах шаҳридаги**
**бизнес мактаби**
**директори**

# «АЪЛО»ГА ЎҚИМОҚ АЪЛО СОҒЛИҚНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда республикадаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш чора-тадбирларига бағишланган қўшма ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига тиббий хизмат кўрсатишнинг нақадар ночор аҳволда эканлиги таҳлил этилди. Мана бу далил ва рақамларга эътибор беринг-а.

Йўриқномаларга асосан ҳар 2000 ўқувчи ҳисобига 1 ўрин мактаб педиатр-врач ва ҳар 600-800 ўқувчи ҳисобига 1 ўрин ҳамшира хизмат кўрсатиши мўлжалланган ҳолда амалда республика бўйича 1 ўрин тиббиёт хизматчисига 3300 нафар ўқувчи тўғри келмоқда. Жиззах вилоятида эса бу ҳолат 5000 нафардан ошиб кетади.

Касаллик турлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Мактаблардаги санитария-гигиена меъёрлари талаб даражасида эмас. Ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, мактабни тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси ҳам кўнгилдагидек эмас.

Айниқса, Қорақалпоғистон республикаси, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида бу масалада жиддий камчиликлар мавжуд.

Болалар поликлиникаси штатидаги участка педиатрлари ўриндошлик сифатида мактаб ўқувчиларига 0,5 ставкадан тиббий хизмат кўрсатаяптилар. Мавжуд 1616 нафар мутахассиснинг 23 фоизигина мактаб тиббий хоналарида тўлиқ ишлайди холос.

64,3 фоиз мактаб шифокорлар билан таъминланган. Бир сўз билан айтганда, бу соҳада республика миқёсида ҳар иккала вазирлик ҳамжиҳатликда қиладиган ишлар талайгина. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мактаб тиббий хоналарига зарур асбоб-ускуналар, малакали мутахассис кадрлар рўйхатини тузади. Ҳокимликлар бу соҳа ва унга тегишли мақсадларни рўёбга чиқариш учун молиявий кўмак, халқ таълими бошқармалари эса тегишли шарт-шароит, жой масалалари билан ёрдам кўрсатадилар. Қўшма ҳайъат йиғилишида ана шу масалаларни ўз вақтида ечиш учун иккала вазирлик ҳамкорлигидаги қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликларининг ҳамкорликдаги ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов иштирок этди ҳамда сўзга чиқди. Қўшма Ҳайъат йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов бошқарди.

**Норали ОЧИЛОВ**

# ДАВЛАТ АРБОБИГА БАҒИШЛАНДИ

Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси, «Ўзбекистон-Қозоғистон» дўстлик жамияти, Назир Тўрақулов номидаги халқаро жамгарма ўзаро ҳамкорликда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасида таниқли давлат ва жамият арбоби, Марказий Осиё халқлари муштарак маданиятини ривожлантиришга катта улуш қўшган олим, шоир, моҳир дипломат Назир Тўрақулов ижодий фаолиятига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказдилар.

Анжуманни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов кириш сўзи билан очди. Сўнг, буюк адиб номидаги халқаро жамғарманинг президенти Ибрай ҳожи Исмоилов, ТошДУ доценти Ш. Ўразимбетов, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Қ. Ақинбеков, Низомий номидаги ТДПУ профессори С. Тилеуқулов, ЎзФА катта илмий ходими Ш. Турдиев, Қозоғистон Фанлар академияси мухбири аъзоси, профессор Р. Бердибоев, «Нурлы жол» газетаси бош муҳаррири Қ. Сейданов, қозоғистонлик ёзувчи, киносценарист А. Тасимбеков, Чимкентда нашр этиладиган «Темир қозиқ» журнали бош муҳаррири С. Олтинбеков ва мазкур кутубхона директори А. Умаровлар Н. Тўрақуловнинг ижодий фаолияти ва ҳаёти тўғрисида маърузалар қилишди.

Қозоғистон Республикаси элчихонаси иккинчи котиби, таниқли шоир Исроил Сапарбоев Туроннинг тарихий шахслари тўғрисида шеър ўқиди. Қозоғистонлик олим Р. Бердибоевга Маҳмуд Қошғарий номидаги халқаро совғанинг диплома топширилди.

**Нур АЛИ**

# БЕСКИД ТОҒИНИНГ СИРИ

## ОЙБЕК ВА БИР ШЕЪР ТАРИХИ

**Бундан роппа-роса 30 йил аввал 1 июль куни халқимизнинг ардоқли фарзанди, адабиётимизнинг забардаст устунларидан бири, улкан ёзувчи ва қалби дарё инсон Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек орамиздан кетган эди. Лекин Ойбек қаламига мансуб ўлмас асарлар, устоз ёди халқ хотирасида мангу сақланиб қолди.**

**Қуйида эълон қилинаётган мақола Сизни яна бир бор атоқли ёзувчимизнинг гўзал маънавий дунёси сари етаклайди, деб умид қиламиз.**

«... Кечқурун полковник ва майор билан ченага тушиб, олдинги позицияга бордим. Устимда оқ сурп кийим. Снаряд ва миналар тушиб турадиган йўллардан ёриб баталиён команда пунктига бордик... Айрим хавфли жойлардан яккама-якка бўлиб ўтдик ва траншеяга тушдик...»

«Душман миномётдан ота бошлади. Миналар нақ биз турган жой атрофида портлади. Ҳаммаси бўлиб 10 мина тушди. Кўп блиндажларнинг деразачаларидан ойналар синди. Гумбурлаш ваҳимали бўлди...»

«Моторларнинг шовқинига бардош қилиш қийин... Бомбаларнинг визиллаши, гумбурлаши, ер уюмларининг минорадай кўтарилиши — жаҳаннамнинг ўзи. Ер ва дарахтлар бир зумда портлашлар ичида кўмилиб кетади. Тутун, чанг, тупроқ кўтарилиб, аста-секин чўкади, ер юзини ўраб олади, қуёшни яширади. Мен, албатта, сичқон кавакка қочгандай, тўғри келган окопга тиқилиб оламан. Окоп тундек қоронғилашади...»

Бу сатрлар Ойбекнинг «Фронт бўйлаб» кундаликларидан олинди.

Атоқли ёзувчимиз «Қуёш қораймас» романини ёзиш учун фронт ҳаёти билан яқиндан танишиш ниятида, 1942 йили Москва бўсағаларига борган. У ўша, суронли йил декабридан 1943 йилнинг апрелига қадар ўзбек жангчилари орасида бўлиб, урушнинг даҳшатли манзараларини ўз кўзи билан кўрган. У, ана шу тўрт ой ичида қанчадан-қанча жангчиларимизнинг ҳалок бўлганлигига гувоҳ бўлган. Ўзи ҳам неча бор нақд ўлимдан омон қолган.

Ойбекнинг «Оловли йўллар» деган «ҳарбий» шеърлардан таркиб топган тўпламида бир шеърий лавҳа бор. «Бомбардимон вақтида» деб номланган бу шеърда урушнинг оддий, аммо даҳшатли кунларидан бири тасвирланган...

**Қалам тутган қўлим қоғоз бетида,**
**Фақат қўлга тушар чироқнинг нури.**
**Кўлкада китоблар ва хариталар,**
**Аэропланларнинг бўрон, гумбури —**

**Бошимда сезаман: душман шу онда,**
**Ташлайди бомбани: у бало каби.**
**Шиғиллаб, ғизиллаб учади бир зум;**
**Қўлим, қалам, девор кул бўлар бари.**

Бу сатрларни ўқиган ҳар бир ойбекшунос шоирнинг ўзи гувоҳ бўлган уруш манзарасини тасвирлаганини юракдан ҳис этади. Зеро, бу сатрларда муҳрланган уруш ҳақиқати «Фронт бўйлаб» кундаликларидан олинган боягги парчалар билан ҳамоҳанг. «Бомбаларнинг визиллаши, гумбурлаши, ер уюмларининг минорадай кўтарилиши — жаҳанамнинг ўзи...» — бу сўзлар хаёлингизда беихтиёр жонланади-қўяди.

Лекин шеърни ўқишда давом этсак, қандайдир нотаниш атамалар ва нотаниш туйғулар учрагандек бўлади:

**Йўқ, бомба дуч келмас. Қалбинг топ-тоза,**
**Ҳали айтилмаган қўшиқларга бой.**
**Бескид тоғин, конин сендай ким севар?**
**Улардан ким сендек қўшиқ тўқигай?**

Сўнгги сатрлар, кутилмаганда, шеърни бошқа ўзанга буриб юборади. Бескид тоғи, кони қаердан пайдо бўлганига ақлингиз етмайди. Умуман, Бескид нима? Нима учун Ойбек Бескид тоғи ва конини куйлаши лозим?

Мен дастлаб ана шу саволларни ўзимга берганимда, Бескидни Москва бўсағаларидаги бирорта жой ё тепаликнинг номи бўлса керак, деб ўзимни-ўзим ишонтирмоқчи бўлдим. Ана шу ишонч туйғуси бу шеърнинг Ойбек «Мукаммал асарлар тўплами»нинг иккинчи жилдида қайта нашр этилиши учун йўл очиб берди. Қолаверса, шеърнинг кейинги банди менда пайдо бўла бошлаган озгина шубҳани ҳам тарқатиб юборди:

**Сен минглаб чақирим ватандан узоқ,**
**Боқ, титрар шаҳарлар ва мамлакатлар.**
**Тингла, қонли аср безгакдек титроқ,**
**Ўз асринг-ла дардлаш ва куйчиси бўл!**

Бу албатта, Ойбекнинг юрак сўзлари! «Оловли йўллар»даги шеърнинг бошқа бандларида ҳам шубҳага ўрин қолдирадиган бошқа бирорта сўз, бирорта ташбеҳ йўқ. Лекин, ўзингизни қанчалик чалғитсангиз ҳам, тиш оғриғи сизга тинимсиз азоб бериб турганидек, «Бескид» сўзи мени пармалашда давом этди.

Ниҳоят, «Мукаммал асрлар тўплами»нинг аскар жилдлари нашр этилиб, навбат, Ойбек қаламига мансуб таржималарга келди. Буни қарангки, унинг уруш йилларида ўзбек тилига ўгирган таржималари орасида бир шеър танишга ўхшади. Бу «Бомбардимон вақтида» деган шеър эди. Шубҳасиз, бундай сарлавҳали шеърлардан кўпи борми! Ким уруш сўқмоқларидан ўтган бўлса, бомбардимон даҳшатини ўз кўзи билан кўрган, демак, у ҳақда ёзиши табиий. Мен, ҳар эҳтимолга қарши, Ойбек шеъри билан янги топилган таржимани қиёслашга киришдим. Худди ўзи! Фақат баъзи бир сўзлар тўпламни нашрга тайёрлаган Зарифа Саидносирова томониданми ё муҳаррир Зулфия томониданми ўзгартирилган, холос!

Ушбу шеър нафақат «Оловли йўллар», балки Ойбек «Асарлар»ининг 1-жилдида («Мукаммал асарлар тўплами»дан аввал) нашр этилганига қарамай, мен ўзимни гуноҳкор ҳис этдим. Лекин, на чора? Хатони тузатишнинг бирдан-бир йўли таржимага берилган изоҳда вазиятни тушунтириш эди. Мен бу ишни қилдим, лекин бу изоҳ эътибордан четда қолиши мумкинлиги учун Бескид тоғининг сирини бугун сиз, ҳурматли муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқчиман.

Уруш бошланиши билан душман босиб олган шаҳарлардан минглаб бошпанасиз қолган кишилар ўзбек тупроғи сари оқиб кела бошладилар. 1941 йилнинг кузида уруш Москвалик ёзувчилар, артистлар, олимларни ҳам Ўзбекистонга олиб келиб ташлади. Улар орасида Иоханнес Бехер, Эмил Мадарас, Шандор Тергей, Ондра Лисогорский сингари антифашист шоирлар ҳам бўлган. Ўзбекистон, бошқалар қатори, бу муҳожир шоирларга ҳам ўз бағрини очган. Улар Тошкентда яшаб, ижод этганлар.

Ана шу антифашист шоирлардан бири Ондра Лисогорский бўлиб, у 1939 йили фашистлар Германияси таъсиридаги Чехословакиядан қочиб, собиқ шўролар мамлакатидан бошпана топган эди. У Ўзбекистонга келгач, қатор шеърлар ёзди. Шу йиллари Тошкентда яшаган ва Ойбек билан дўстлашган ёзувчи А. Дейч антифашист шоирларнинг шеърларидан иборат «Қилич ва қалам» деган тўпламни рус тилида нашр этгач, ҳукумат раҳбарлари бу тўпламни ўзбек тилида ҳам чоп этишни лозим, деб топганлар. А. Дейч Ойбекка О. Лисогорский шеърларини таржима этишни тавсия этган. Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор эди. Шу йилларда чехославакиялик лях А. Дейч орқали Ойбек билан танишган ва унинг Алишер Навоий ҳақидаги суҳбатлари таъсирида Самарқандга, «қушлар тили» пирига ихлос пайдо қилган эди. Ойбек томонидан ўзбек тилига ўгрилган «Самарқанд кузи» шеъридаги қуйидаги сатрлар шундан далолат беради:

**Барглар қани? Қаерда йўқолур бари?**
**Чексиз саҳроларга қанча мартаба**
**Бу ердан боқмишди бир чоқ Навоий.**
**Самарқанд боғлари, мевазорлари —**
**Зар тўла косадир, еллар олтинни**
**Кўп дафъа учирган қумликлар сари...**

Ондра Лисогорскийнинг асл исми Эрвин Лой бўлиб, Ойбек билан бир йилда туғилган. У лях адабий тилининг асосчиси. Немис баронлари билан мустақиллик учун курашган лях халқининг миллий қаҳрамони Ондраша ҳамда лях исёнчиларининг маскани — Лиса тоғи номларини ўзига тахаллус қилиб олган. Прага, Сорбонна ва Рим дорилфунунларида таҳсил кўрган О. Лисоргорский ғоят билимдон, маданиятли ва истеъдодли шоир сифатида Ойбек эътиборини қозонган.

У Москвадан Тошкентга келаётганида бомбардимон остида қолиб, худди Ойбек сингари, даҳшатли дақиқаларни бошидан кечирган. Ана шу пайтдаги туйғу ва кечинмаларини «Бомбардимон вақтида» деган шеърида катта маҳорат билан акс эттирган. Бояги сатрлардаги Бескид тоғи ва кони у яшаган маскан бўлиб, уларни куйлашда лях шоирига етадиган нозим бўлмаган.

«Қилич ва қалам» тўпламидаги мазкур шеърнинг давоми қуйидагича:

**Юртинг, Лях-тоғига қайтарсан бир кун,**
**Кўклам майсасида оларсан ором.**
**Кўкда сузар майин, момиқ булутлар,**
**Тингларсен қушларнинг куйин ҳар оқшом.**

Ойбекнинг қоралама қўлёзмасини ўқиш маҳол бўлгани учунми Зарифа опа бу сатрларни «Оловли йўллар»да китобхонга бутунлай бошқача тақдим этган. «Юртинг, ўз уйингга қайтарсан бир кун» деб. Матнни бундай «тузатиб ўқиш» натижасида барча чалкашликлар келиб чиқиб, О. Лисогорский шеъри Ойбекнинг шеърига айланиб қолган.

Лекин, адолат ҳаққи айтиш лозимки, бу шеърни ўқиган китобхонда унинг Ойбек қаламига мансублиги деярлик шубҳа уйғотмайди. Унда тасвир этилган кечинма ва ҳис-ҳаяжон Москва бўсағаларидаги омонсиз жангларни ўз кўзи билан кўрган Ойбекнинг ҳам кечинмаларидир. Мана, ўзингиз баҳо беринг:

**Бутун кўрганларинг даҳшатли бир туш,**
**Безгак рўёсидек ўтгай у замон.**
**Нозик бинафшанинг бўйидан сархуш.**
**Айтарсан, Сен мунча гўзал ва хандон!**
**Эй майса, эй само, мунча гўзалсан,**
**Мунча гўзалсиз, тоғ, дарё, ўрмонлар!**
**Ер, денгиз гўзалдир. Оврупо гўзал.**
**Бу гўзал жаҳонга тасаддуқ жонлар.**
**Болалик чоғимда қараганимдек,**
**Гулзордан қуёшга завқ-ла боқамен,**
**Қуёшдек, ўрмондек, бинафшадек соф,**
**Инсонлар ҳақида хаёл сурамен.**

Шеър ана шундай соф ойбекона оҳанг билан тугайди. Бу шеърни ўқиган китобхон О. Лисогорский билан Ойбек туйғулари уйқаш эканлигидан ҳайратга тушиши мумкин. Бомбардимон вақтида қуёшдек, ўрмондек ва бинафшадек соф кишилар ҳақида ўйлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун шоир, Ойбек сингари, улуғ ва назокат қалбга эга бўлиши лозим.

О. Лисогорский урушнинг сўнгги йилларида Москвага қайтиб, 1946 йили «Бескид тоғи ва кони» сари парвоз қилди. У ҳаётининг сўнгги кунларига қадар меҳридарё ўзбек халқи ва унинг Ойбек сингари жонли тимсолларига ҳурмат туйиб яшади. Унинг 50-йилларда лях тилида нашр этилган каттагина шеърий китоби ҳозир Ойбек уй-музейида ёдгорлик сифатида сақланади. Ундаги Ойбек шаънига айтилган ажойиб сўзларни ўқиган китобхон дунёда «бинафшадек соф» инсонлар бўлгани ва ҳозир ҳам борлигига шукроналар айтади.

**Наим КАРИМОВ**

Saxovat

# КЎНГИЛ БОЙ БЎЛСИН

Фермер бўламан деганлар кўп, лекин уни эплай олганлар кам. Бироқ дилда иштиёқ бўлса, қилинадиган ҳаракатга сидқидилдан киришилса, ҳаммаси ўз-ўзидан бўлиб кетаркан.

— Аввало ният тўғри бўлиши керак, — дейди Оҳангарондаги «Зиё ота» фермер хўжалигининг раиси Шермирза Зиёев. — Беш йилдирки, шу ерда фермерлик хўжалигини ташкил этиб, укаларим, жиянларим билан меҳнат қилаётирман. Даромадимиз ўзимизга етиб ортганидан ташқари, саховат кўрсатишга ҳам етмоқда.

Ҳалолнинг баракаси бўлади. Шермирзанинг одамларга кўрсатаётган саховатидан тумандаги кишилар мудроқликдан уйғонгандай бўлишди. Фермер хўжалигининг 5 гектар боғидан келаётган даромаднинг ўзи хўжалик учун олинган қарзларни тўлашга етиб ортди. Бу ерда етиштирилаётган олма, олхўри, шафтоли ва бошқа мевалар ҳозир ғарқ пишган. Кун сайин буюртмачилар келиб меваларни олиб кетишаётир. Булардан ташқари, хўжаликда олти бош соғин сигир, қирқ-элликта қўй, йилқи ва бошқа чорва моллари ҳам боқилади. Фермер хўжалигининг Тошкент-Қўқон катта трассасининг ёнгинасида, «Ғаллақудуқ» давлат хўжалигининг ҳудудида ишлаётган «Зиё ота» чойхонаси ҳам йўловчиларга маиший хизмат кўрсатаётир. Шуниси қувончлики, ошхона маҳсулотлари бошқа турдош ошхоналардагига нисбатан сезиларли равишда арзон, сифатли. Бу ерда меҳнат қилаётган Шермирза Зиёевнинг укалари, сингиллари Боймирза, Шуҳрат, Муҳтабархон, Абдумавлон ва Исломжонлар хўрандаларга хизмат кўрсатишда ғоятда хушмуомалалик билан кишилар кўнглига малҳам бўладилар.

— Пиширилган ва етиштирилаётган маҳсулотларимизнинг арзонлиги шундаки, бу ердаги ҳамма маҳсулотлар ўзимиздан чиқади, — дейди фермер хўжалигининг раиси Шермирза Зиёев.

Яқинда туман ҳокимининг қарори билан «Зиё ота» фермер хўжалигига яна 10 гектар ер ажратиб берилди. Улар бу ерга кечки картошка ва ғалла экишни мўлжаллаб қўйишган.

Мен Шермирза билан суҳбатлашаётиб сўзни бойлик ва саховат мавзусига бурдим.

— Аввало кўнгил бой бўлиши керак, — деди Шермирза Зиёев босиқлик билан. — Бой бўлиш — шахсий бойлик орттириш дегани эмас. Агар қурбингиз етса, бой бўлингу лекин одамларни ҳам мутлақо унутманг. Бироқ ҳамма бойликларнинг остида баракали меҳнат ётишини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Менинг ўзим 27 йил кетмон чопганман, қайси экинга қандай ишлов бериш, қайси ерда нима кўп ҳосил беришини яхши биламан. Лекин даромадим бор деб, ҳаддан ошиши ҳам инсофданмас.

Шермирза Зиёев бу фикрларини амалда исбот қилди. Яқинда Қорахитой қишлоғидаги 12-ўрта мактабга тумандаги 150 дан ортиқ етим болалар, кам таъминланган оилаларнинг болалари, кўп болали оилаларнинг фарзандлари тўпланишди. Шермирза улар учун катта дастурхон ёзиб, уларга турфа таомлар тортди, ўз боғларининг меваларидан дастурхон безади. Ўша маросимда иштирок этаяпману етим болаларнинг кўзларидаги мунгларни кўриб ич-ичимдан эзиламан. Ҳали ўн йил яшаб-яшамай болалигини қаерга йўқотди улар, ким ўғирлади уларнинг гўзал ҳайратларини? Юзга яқин болалар ичида кулфатзадалари ҳам бор. Кулфат изн сўрамай келар экан-да! Лекин норасидаларнинг нияти поку холис. Шермирза уларнинг ҳаммасига бошдан оёқ саруполар кийдирди.

— Мен ҳали бунақа чиройли кийимларни умримда кийиб кўрмаган эдим, — дейди қувончдан 48-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Нигора Сафаралиева. — Шермирза акамга катта раҳмат, у киши бизларнинг кўнглимизни овлаган экан, Оллоҳ унинг саховатига, дастурхонига барака ато қилсин.

— Ўзбекистонда туғилиб, Оҳангарондаги 49-ўрта мактабда ўқиётибман, ота-онамдан аллақачон жудо бўлганман, узоқ қариндошимизникида истиқомат қиламан, Россияда қариндошларим бор, лекин уларга хатлар ёзиб, тайинли жавоб ололмаётган пайтимда Шермирза аканинг менга кўрсатган саховати қалбим тубида абадий туради, минг қилса ҳам ўзбеклар-да, меҳрибонлик, меҳмондўстлик, саховат уларга қон билан кирган, саховат эса миллат танламайди. Шермирза амакимдан ғоятда хурсандман, агар ўрта мактабни тамомласам, унинг фермерлик хўжалигига келиб албатта ишлайман, — дейди 9-синф ўқувчиси Артем Парамонов. Худди шундай фикрларни норасида Алексей Пугачев ҳам айтди.

Шермирза Зиёевнинг саховати бу билан тугамайди. У Ғалаба байрами куни туман қариялари учун ҳам тўкин дастурхон ёзди, турмуши ночор қарияларга саховат кўрсатиб, эсдалик совғалари, саруполар берди. Мустақиллик байрами кунлари эса, яна шундай саховатли тадбирларни ўтказишни режалаштирган.

Фермер хўжалиги яқин кунларда йўл чеккасига каттагина меҳмонхона, ошхона учун кичкина бино, йўловчи транспортларга хизмат кўрсатадиган устахона очишни ҳам режалаштирган. Айни пайтда автомобилларни заҳира ва эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи дўкон очиш ҳам навбатдаги режалардан бири ҳисобланади. «Зиё ота» фермер хўжалигининг нуфузи фақат оҳангаронликлар ўртасидагина эмас, балки йўловчи-меҳмонлар, айниқса, Фарғона водийсидан келаётган меҳмонлар орасида ҳам ортиб бораётир.

**Мўмин ҚАЮМ,**
**журналист**



Шаҳар қўшимча эстетик таълим мажмуи Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш жамияти билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги «Боғи эрам» боғида экология ва табиатни муҳофаза қилиш кунини ўтказдилар. Бу байрамга пойтахтнинг барча туманларида ташкил этилган болалар оромгоҳларидан вакиллар иштирок этишди. Болалар она-табиатга, қушлар ва ҳайвонларга бағишлаб табиат материалларидан турли ҳил бадиий композициялар тайёрлашиб, асфальтда энг яхши расм учун мусобақалашдилар. Боғ саҳнасида эса, томошабинлар эътиборига чиройли саҳналаштирилган мусиқий чиқишлар намойиш этилди.

Суратларда: Байрам лавҳалари.

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЯНГИ ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА

# «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ»

**республика танловини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

*Танлов қуйидаги билим соҳалари бўйича ўтказилади:*
*— гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар;*
*— математика ва табиий-илмий фанлар;*
*— умумтаълим ва умумкасб фанлари;*
*— мутахассислик фанлари.*

## ТАНЛОВ ТАЛАБЛАРИ:

— танловга тақдим этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида нашрдан чиққан, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган, Олий мутахассислик таълими, Ўрта махсус билим ва касб-ҳунар таълими муассасалари учун мўлжалланган бўлиши керак;

— дарслик ва ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари асосида ёзилган бўлиши ва ўқув-услубий талабларга тўлиқ жавоб бериши зарур;

— дарслик ва ўқув қўлланмаси мазмунан янгилиги, давлат ва халқаро андозаларга мувофиқ келиши ҳамда аниқ ва равшан тилда ёзилиши керак;

— тақдим этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаси илмий, ғоявий ва тарбиявий мазмуни жиҳатидан Ўзбекистоннинг маънавий ва этнопсихологик мероси, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини чуқур англашга кўмаклашиши лозим;

— танловда, тасарруфлигидан қатъий назар, таълим ва илмий тадқиқот тизимига тааллуқли барча ўқув ва илмий муассасалар, вазирликлар, қўмиталар, идоралар ҳамда айрим олимлар, педагог ходимлар, амалиётчилар ва бошқалар иштирок этишлари мумкин;

— танловга тақдим этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаси тегишли ҳужжатлар билан жорий йилнинг 15 сентябрига қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида ташкил этилган Танлов комиссиясига тақдим этилиши керак (Мустақиллик майдони, 6., 323 хона, тел: 139-16-22; 139-14-97).

## Танлов ғолибларини тақдирлаш тартиби

***— танлов ғолиблари ҳар бири таълим соҳаси бўйича алоҳида аниқланади;***
***— танлов ғолибларига махсус Диплом ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам маошнинг 50 баробари миқдорида мукофот топширилади;***
***— танлов ғолиблари «1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»да матбуот, радио ва телевидение орқали эълон қилинади.***

**Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми 1998-1999 ўқув йили учун**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**БУ ЕРДА СИЗ**

— Автомобиль ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш (кундузги ва сиртқи);

— Автомобиль транспортида ҳаракатни бошқариш ва ташишни ташкил қилиш (кундузги ва сиртқи);

— Халқ хўжалиги тармоқларини режалаштириш иқтисоди (сиртқи);

— Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти назарияси ва таҳлили (сиртқи) ихтисосликларини эгаллашингиз мумкин.

**9-11-синфни тугатганлар қабул қилинади.**

**Мўлжал: Чилонзор, Оқтепа майдони**

Алишер Навоий номидаги республика «Нафис санъат» лицейи томонидан 1998 йилда Турсунметов Бехзод Комилжонович номига берилган O‘R—A 111789 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

## КОЛЛЕЖ СИЗНИ КУТАДИ

Тошкент қурилиш-коммунал коллежи республикамиздаги бошқа қурилиш йўналишидаги ўқув юртлари учун ўқув-услубий база ҳисобланади. Бу ерга 9-10 синфни битирган ўқувчилар синов орқали ўқишга қабул қилинади.

Коллеж Тошкент Давлат техника университети ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетлари билан яқиндан алоқалар ўрнатган.

Балки сиз иқтисод ва режалаштириш, бухгалтерия ё тижорат фаолияти билан қизиқарсиз? Мабодо сантехника, кўкаламзорлаштириш, боғ ва хиёбонлар хўжалиги, шаҳар электр транспорти, ёғочга ишлов бериш технологияси, газ хўжалиги бўйича мутахассис бўлиш ниятингиз йўқми? Агарда юқорида зикр этилган касблардан бирини танлаш истагингиз ва қарорингиз қатъий бўлса, у ҳолда Тошкент қурилиш-коммунал коллежига шошилинг. Бу ердаги замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синфхоналар, 400 ўринли шинам ётоқхона сизга мунтазир.

**А. АСЛОН**

Mulohaza

# МУОМАЛА ХУСУСИДА СЎЗ ёҳуд БАРКАМОЛ ИНСОН КИМ?

### ДУНЁНИНГ МАҒЗИ

Элнинг бу ибораси насиҳат тарзида кўп бора айтилади: «Муомалали дунё бу, яхшию ёмонга, каттаю кичикка муомалали бўл!». Ўйлаб қаралса, дунёнинг мағзи, унинг мавжудлиги шул иборада, бир жуфт сўзда жамулжам экан — муомалали дунё...

Дарҳақиқат, одамнинг одамга, элнинг элга, халқларнинг халқларга нисбатан эзгу муомаласигина бу дунёйи дуннинг давомийлигини таъмин этган ва тамаддунини белгилаган кучдир.

### «ТАРБИЯСИЗ»

Биламизки, инсон ўз ҳаёти давомида неки маънавий бойлик орттирар экан, бу дахлсиз хазинаси албатта унинг тарбияси билан боғлиқ бўлади. Ёҳуд, аксинча. Одамнинг маънавий дунёсидаги кемтикларни унинг тарбиясидаги қусурлари фош этади. Шул боисми, дейлик кимнингдир муомаласидан ранжиган кишининг дилигаю тилига биринчи бўлиб келадиган сўз «тарбиясиз»дир. Демак, инсоннинг нечоғлик тарбия кўрганлиги, энг аввало, унинг бошқалар билан бўлган муомаласида аён бўлади. Бу ўринда муомала тарбия қадар кенг ва долзарб маъно касб этади.

### СЎЗ ҲАМ, СУКУТ ҲАМ

Сўз—муомала. Кишининг кимгадир мурожаати — муомала. Шу билан бир қаторда эшита билмоқ ҳам, сукут ҳам муомаладир. Юқорида айтиб ўтилганидек, икки кишининг ўзаро муомаласи (бирининг сўзлашию бирининг тинглаши) уларнинг нечоғлик тарбия кўрганлигини зоҳир айлаб туради.

Сўз — муомала, ҳатти-ҳаракат — муомала, одамнинг бутун юриш-туриши муомаладир.

Сўз — инсонийлик ҳислати, дея таъриф этамиз. Лекин, яна шу сўз билан баъзан бир-биримизни ҳайвондан-да баттар аҳволга соламиз. Демак, сўз эмас, яхши сўз, яхши муомала инсон зийнатидир, унга ҳислатдир. Ёмон сўзу муомаладан сукут яхши, гўё ўзимизни авло билганимиз, ул ҳайвонийлик-да афзалдир. Бир оғиз сўзи одамнинг кимлигини, унинг қандай инсон эканлигини баён этади. Сўзлаётган одам ҳамиша ўзини аён этаётган одамдир. Башарти шундай бўлгач, танимаган жойда тўн эмас, бирламчи муомала улуғдир.

### ШУ МАЪНОДА

«Сен» ҳам, «сиз» ҳам бир оғиздан чиқади, дейди халқимиз. Бу рост нақлнинг замирида эса, албатта фақат «сиз»ни қўлламоқ лозимлиги хусусидаги насиҳат оҳанги муайяндир.

### БИР ТАСОДИФ ҲОДИСА

Ҳа, дейлик кўчадаги (ёҳуд оиладаги, ишхонадаги) бир тасодиф ҳодиса, албатта сизнинг руҳиятингизга таъсир этади. Бўлиши мумкинку! Ҳаёт тўла тасодиф. Кимдир бировни беҳосдан туртиб юбориши, кимдир нимадандир баралла норози бўлиши, кимлардир нималарнидир талашиб-тортишиши... Буларни қўйинг, қовоғидан қор ёғиб турган одамнинг юзи уни кўрганларнинг барчаси учун энг совуқ муомаладир. Ҳатто кўрмагаңингизда ҳам, олисда юз кўрсатган жаҳолатнинг ахбори ҳам кўнгилда хавотир қўзғайди. Айниқса, бу каби ҳодисалар эрталаб рўй берса, кун бўйи ишингиз беунум, хаёлингиз паришон бўлиб юрасиз.

Ва бунинг аксича, энг ширин муомала — одамларнинг юзидаги табассум, самимият ёҳуд кимдандир эшитганингиз гўзал лутф сизни сармаст этади, ғайратингизни оширади, «ҳаёт гўзал» деб ўйлай бошлайсиз шу дамларда. Дарвоқе...

### ЛУТФ

Охирги марта кимдан бир латиф лутф эшитганингизни бир эслаб кўринг-чи! Ёҳуд ўзингиз... «Лутф қилдингиз, тақсирим» — бу сўзлар ҳов, боболаримизнинг замонида, билмадим, бир кунда неча бор такрорланган экан. Киши маънавий дунёсининг бойлиги, маданиятининг юксаклиги лафзини ширин, лутфини гўзал ва теран қилади. Лутф инсон муомаласининг энг таъсирчан кўринишидир.

### ЯХШИ РОМАН

Фикримча, шундай. Яхши роман, нафақат воқеалар силсиласининг баёни, шу билан бирга ибратли фикрлар мажмуи ҳамдир. Хорижнинг машҳур ёзувчилари асарларини ёки ўзимизнинг мумтоз адабиётимиз намуналарини ўқир экансиз, улар қаҳрамонларининг бир-бирига нисбатан бўлган оддий муомаласи-да, беҳад лутфларга бой эканлигига амин бўласиз. Бизга бу қаҳрамонларнинг муомаласи баландпарвоз туюлади. Шул боисдирки, дейлик мен, бугунги замондошларим хусусида асар ёзмоқчи бўлсам-да, улар муомаласини лутфлар билан безамоқчи бўлсам, бу ишим ўз ҳаётий асосига эга бўлмайди ва сунъийлиги билан ўқувчининг энсасини қотиради. Чунки, бугун ширин лафздан, лутфдан, гўзал муомаладан анчайин йироқлашиб кетдик.

### МУОМАЛА МАКТАБИ

Инсон ўзига нисбатан бўлган муомала туфайли ўзлигини танийди ва сўнгра ўз муомаласи туфайли ўзлигини ўзгаларга намоён этади. Инсонга ўзлигини танитадиган муомала мактаби эса, аввало оила, сўнгра мактабдир. Инсон то ўзлигини танигунча сарф этиладиган умри худди шу даргоҳларда кечади. Демак, бу даргоҳлардан катта ҳаётга йўлланма оладиганлар муомаласи нўноқ одамлар эмас, ўзлигини намоён эта биладиган шахслар бўлиб етишишлари учун интилмоқ керак.

### БАРКАМОЛ ИНСОН КИМ?

Ким ўзидан кейинги авлоднинг баркамол бўлишини истамайди, шунинг учун интилмайди дейсиз. Хўш, баркамол инсон ким?

Юқорида барча айтиб ўтганларимизга хулоса шулки, баркамол инсон, аввало муомала маданияти шаклланган инсондир.

**Икром ИСКАНДАР**

Xotira

# НОМИНГИЗ МАНГУ ЯШАЙДИ

1937 йилда эндигина 17 баҳорни қаршилаган навқирон йигит Омон Раззоқов Пахтачи туманидаги Охунбобоев жамоа хўжалигининг Ниёзбоши қишлоғидан ҳарбий хизматга чақирилди. Хизмати тугаш арафасида машъум уруш бошланди. Ҳарбий билим юртини тугатган Омон Раззоқов жанглар энг шиддатли кечган жойларда бўлди.

Омон Раззоқов 1943 йил кузда оғир ярадор бўлиб, ўз қишлоғига қайтди. Лекин қишлоқда ҳам оғир ҳаёт ҳукм сурарди. Омон Раззоқов қишлоқда ҳам ишлар бошида бўлди ва ташкилотчилик қобилиятини намоён қилди. Йигитларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ва уларни фронтга кузатиш одатий ҳол эди. Омон Раззоқов 53 йил давомида зиё тарқатиб, ҳамқишлоқлари болаларига таълим-тарбия бериб, маориф соҳасига муносиб ҳисса қўшди. Омон Раззоқов 8 фарзандни рафиқаси Назокат ая билан вояга етказди. Ҳозирги кунда фарзандларнинг кўпчилиги маориф соҳасида хизмат қилиб келмоқда. Жумладан, Омонова Бўригул тил ва адабиёт ўқитувчиси, Раззоқов Эркин физика-математика ўқитувчиси, Раззоқова Меҳригул ва Лолалар лаборатория ходими сифатида фаолият кўрсатаяпти. Омон Раззоқов фарзандлари ичида бошқа соҳага меҳр қўйганлари ҳам бор. Масалан, Раззоқов Тўлқин инженер қурувчи, Раззоқова Дилбар тикувчи, Раззоқов Ёлқин эса савдо ходими бўлиб ишлашаяпти. Яхшидан боғ қолади деган нақл бор. Омон Раззоқовдан яхши ном, ҳавас қилса арзигулик фарзандлар қолди. О. Раззоқов хизматларини ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. У бир талай орден ва медаллар билан мукофотланди. Омон Раззоқов болалар уйи директори, мактаб директори каби лавозимларда фаолият кўрсатди.

Яқинда ўзи директорлик қилган мактабда Омон Раззоқов хотирасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шу мактаб директори Раҳим Боймиров Омон Раззоқов ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритар экан, у кишининг мактаб учун меҳнатлари бебаҳо эканлигини, қолаверса устознинг хотирасини абадийлаштириш шогирдлар бурчи эканлигини таъкидлаб ўтди. Бу эса шогирдларнинг устозига бўлган беқиёс ҳурмати самарасидир. Омон Раззоқов шогирдлар, фарзандлар хотирасида мангу яшайди.

**Абдуҳамид МУХТОРОВ,**
**жамоатчи мухбиримиз**

# ЖУРНАЛИСТЛАР ЯЙРАГАН КУН







Куни кеча пойтахтимизнинг энг хушманзара ва сўлим гўшаларидан бўлмиш Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида республикамиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларининг касб байрамларини нишонлашди.

Байрам эрта тонгдан, журналистларнинг карнай-сурнай садолари остида буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиши билан бошланди.

Сўнгра байрамнинг тантанали қисми боғнинг махсус ясатилган салқин қисмига кўчди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табрикномасини Президент девони Ахборот марказининг раҳбари Саъдулла Ҳакимов ўқиб эшиттирди. Йиғилганларни байрам билан Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасининг раиси Р. Шоғуломов, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х. Дўстмуҳаммад, кекса журналист И. Сулаймонов ва бошқалар қутлашди.

Сўнгра «Наврўз — боқий байрам», «Наврўз-98», «Йилнинг энг яхши журналисти», «Энг фаол аёл журналист» танловининг ғолибларига соврин ва мукофотлар топширилди.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Республика Давлат Тест маркази ва Давлат спорт қўмиталари ҳам ўз соҳаларини фаол ёритган журналистларга қимматбаҳо совғалар тақдим этди. Бу борада газетамиз муассиси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳам четда қолгани йўқ. Байрам муносабати билан Вазир Ж. Ғ. Йўлдошев буйруғига асосан, вазирлик тасарруфидаги барча газета ва журналлар ходимлари бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофотландилар.

Шунингдек, тантанали байрамда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов «Маърифат», «Учитель Узбекистана», «Сольнышко», «Туркистон», «Тонг юлдузи», «Молодёж Узбекистана» газеталари ва «Бошланғич таълим», «Тил ва адабиёт таълими» журналларининг бир гуруҳ фаол журналист ва ходимларига вазирликнинг «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони ва Фахрий ёрлиқларини топширди.

Табрик ва тақдирлов жозибали куй ва қўшиқларга уланиб кетди. Шу куни ҳаммадан ҳам ҳамкасбларимизнинг болаларига мазза бўлди.

Байрам тадбирларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Президентнинг Матбуот котиби Азамат Зиёевлар иштирок этишди.

**Норали ОЧИЛОВ**

Суратларда байрамдан лавҳалар акс этган.

# Xullas...

## ГИТАРА ИЧИДА ИЛОН...

Табиат қўйнида гитара чалиб хордиқ чиқарганга нима етсин? Походга чиқиш олдидан Степан гитарасини ўзи билан қўшиб олди. У жўралари билан ўйнади, кулди, чўмилди, қўшиқ айтди. Шунда Степан ниманидир сезиб қолди. Гитараси сал оғирлашгандек эди. Гўёки асбобнинг «қорнида» жонли нимадир бордек, овози ҳам ғалатироқ чиқарди. Ким ўйлабди, гитаранинг ичига заҳарли илон кириб олади деб? Гитара чалинганда илон ўзини жуда хотиржам тутарди. Уни қоқиб туширмоқчи бўлишганда эса вишиллаб норози эканлигини англатди. Жонивор Степанни барибир чақиб олди, дўхтирлар уни базўр қутқариб қолишди.

Гитарани ўрмонда қолдиришди, чунки илон мусиқа асбобидан ажралгиси келмасди...

## ҲАВАС ҚИЛГАН ШЕКИЛЛИ...

Ростов олий ўқув юртларидан бирида Дарвин Сталин исмли талаба пайдо бўлди. Ҳамма гап шундаки, унинг отаси эквадорлик агроном Педро Колон Салинас сиёсатни, айниқса, коммунистларни жуда яхши кўрарди. Шунинг учун у ўзи сиғинган улуғ шахсларнинг исми билан ўғилларини аташни лозим кўрган. Дарвиннинг укаси Патрис Ленин бўлиб, бу номни кимнинг шарафига қўйгани ҳам маълум.

## ИККИ КАРРА ҚАҲРАМОН ОНА

Нью-Йорк штатининг Неверсинк шаҳарчасида яшовчи Сэре Карри деган аёл икки карра қаҳрамон она номига муносибдир. У йигирма бир нафар фарзанд туғиб тарбиялаган; 12 қиз ва 9 ўғил. Улар ўн беш ёшдан ўттиз саккиз ёшгача бўлган кишилардир. Онанинг ўзи эса олтмиш ёшда. Неваралари 32 нафарга етди. «Қаҳрамон ота» эса Реймонд штатнинг сув таъминоти соҳасида ишлайди.

Шунча болани боқишнинг ўзи бўладими? Оила аъзолари катта фермада ишлашади ва бундан манфаатдордирлар. Тўғрисини айтганда, фермада еб-ичиш уларга «урвоқ» ҳам бўлмаяпти. Фермер қўшнилари уларга ёрдам бериб турмаса, ҳоллари нима кечарди?

Гапнинг индаллоси, Сэре Каррига «Мантичелло» отчопарида «Йилнинг онаси» деган фахрий нишон тақдим этилди. 21 бола туққан бу хоним шарафига лента қирқилиб, катта суммадаги чек қўлига тутқазилди.

ana shunaqa gaplar

# Жаҳон чемпионати кундалиги

FRANCE 98

Sport

**ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТ**

**Футбол бўйича 16- жаҳон чемпионатининг Камерун -Чили, Бразилия-Норвегия, Италия-Чили, Дания-Жанубий Африка республикаси, Белгия-Мексика учрашувларида ҳакамлар томонидан кечириб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйилган эди. Натижада ЖАР, Камерун, Марокаш, Белгия командалари 1/8 босқичдан маҳрум бўлишди. Шу муносабат билан ФИФА президенти Иозеф Блаттер йиғилиш ўтказди ва ҳакамларни қаттиқ огоҳлантирди.**

**30 июнгача бўлган 1/8 финал учрашувларининг натижалари билан танишинг.**

**1. Бразилия-Чили — 4:1 (Ушбу учрашувда Луис Роналдо ўзининг иккинчи тўпини киритди)**

**2. Дания — Нигерия — 4:1 (Бу учрашувда данияликлар ўзларининг энг биринчи йирик ғалабаларига эришдилар)**

**3. Италия-Норвегия — 1:0 (Учрашувдан сўнг Норвегияда норозилик намойиши бўлиб ўтди)**

**4. Франция-Парагвай — 1:0 (Парагвай футболчилари мағлубиятга учрашса-да, ўйиндан мамнуният ҳосил қилишди)**

**5. Германия-Мексика — 2:1 (Юрген Клинсманн ўзининг учинчи голини уришга муваффақ бўлди)**

**6. Голландия-Югославия — 2:1 (Фридрик Маятович 11 метрли жарима тўпини дарвозага киритолмади)**

**30 июнь куни чемпионат 1/8 финал босқичида**

**Аргентина-Англия-?**

**Хорватия-Руминия-?**

**терма командалари ўзаро учрашдилар. Ғолиблар 1/4 финалга йўлланма олдилар.**

**3 июлдан бошлаб 1/4 финал баҳслари бошланади. Унда қуйидаги командалар учрашадилар.**

**1. Бразилия-Дания**

**2. Франция-Италия**

**3. Голландия-? (Аргентина ёки Англия)**

**4. Германия-? (Руминия ёки Хорватия)**

maydonchasi

Berdaq tavalludining 170 yilligiga

# «БЕШҚАЛЪА, ДЕНГИЗНИНГ АТРОФИ ЭЛИМ»

**Шоир эдим, кўзим кўрганин ёздим,**
**Кўнглимнинг билганин, сезганин ёздим.**
**Замон жафосидан сарғайдим, оздим,**
**Келурми деб яхши кунлар халқ учун.**

Ҳа, шоирлар ўз элининг овози ва юраги бўлиб келган. Шоирлар ҳаётига назар ташлар экансан, ахир қайси шоир эл дардида ёнмаган? Буюк Навоий, Фирдавсий, Махтумқули... Улар умрини халқ армон-ташвиши, қувончу қайғуларисиз тасаввур этиб бўладими? Машҳур қорақалпоқ шоири Бердақ ҳам ана шундай инсон эди. Айни кунларда шоир таваллудининг 170 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Бердақ ижоди олимлар томонидан ҳали чуқур ўрганилмаган. Орол жанубидаги кечган болалиги, отаси Қарғабой, бобоси Бўронбойнинг қашшоқ ҳаёти, Бердимуроднинг етимлик ва сарсонликда ўтган йиллари, амакиси Қўчқорбой қўлида тирикчилик учун чўпонлик қилган дамлари, эски мактабда савод чиқариши ва устози Кунхўжа оқин билан танишиши шоир ҳаётида эсда қолгудек умрнинг «юлдузли онлари»ни ташкил қилади;

**Отим Бердимурод, мен халқнинг ўғли,**
**Саҳрода сайровчи сайроқ булбули.**
**Ўн гулидан очилмади бир гули,**
**Муродига етолмади халқ учун.**

Эл дарди билан яшаган қорақалпоқ шоири бир шеърида бундай дейди;

**Элга нолиш эттил, Бердақ,**
**Армон билан келгил, Бердақ.**
**Дилда борин битғил, Бердақ,**
**Эл ғамида ўтган умрим.**

Гоҳо савол туғилади, шоир Бердақнинг улуғлиги нимада? Адабиёт инсоннинг маънавий қадриятларини шакллантириш ва ахлоқий қиёфасини белгилашда энг самарали таъсир кўрсатувчи сўз санъати. Худди шундай Бердақ ижодида ҳам инсон ахлоқи ва одоби ҳақидаги шарқона урф-одатлар жозибали ифодаланганини таъкидламоқ жоиздир. Шоир сўзи ёниқ, оташзабон, ўлмас ўйноқи мисралари ҳеч қачон ўз кучи ва таъсирини йўқотмайди. Шу сабабли ҳам таълимий, ҳам тарбиявий жабҳаларда унинг уйғоқ, дардкаш сўзлари янграб туради. Бердақнинг ижоди учун V синф дастурида 2 соат ажратилган; «Халқ учун», «Ким айтур» ва «Хўкизим» шеърлари ўқувчилар томонидан мактабларда ўрганилмоқда. Зеро, шоир ижоди наинки қорақалпоқ адабиёти, балки ўзбек адабиётида ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Шоир айтганидек;

**Туркистон, Хоразм масканим менинг,**
**Бешқалъа, денгизнинг атрофи элим.**

Ҳа, туркий халқлар айни кунларда «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида бирлашаётган бир пайтда, Бердақ шеъриятидаги акс этган ҳамжиҳатлик, дўстлик, адолат, элсуярлик туйғуларининг ҳозирги кунларимизга ҳамоҳанглиги унинг қадрини янада юксакка кўтаради.

Шоирнинг «Шажара», «Хоразм», «Омонгелди», «Айдосбий» каби шеърлари ўтмиш мавзуида бўлиб, ҳақиқат нури бу равон, ўйноқи мисраларда порлаб туради.

Бердақ — улуғ достончи ҳамдир. У дўмбира чертиб, ўз қорақалпоқ эли тарихига назар ташлади, дилидаги армон ва изтиробларини «Эрназарбий», «Ойдусбий», «Омонгелди», «Ахмоқ подшо» каби машҳур достонларида юксак бадиий қудрат билан акс эттира олди;

**Яхши — ёмонни билган сўнг,**
**Кўп йиллар ўйлаб юрган сўнг,**
**Ёшим элликка кирган сўнг,**
**Бу қиссага тилим урдим.**

Бердақ 73 йил (1827-1900) яшади. Уни ўзбек китобхонига таништиришда Ўзбекистон халқ шоири Миртемир улуғ иш қилди. У шоир шеърлари, «Ахмоқ подшо» достонини ўзбек тилига юксак маҳорат билан таржима қилди. Шоир Бердақ айтганидек:

**Шохида булбул сайраган,**
**Боғлари гул-гул чаман,**
**Кун нурлари яшнаган,**
**Ёруғ дунё керак менга.**

Ҳа, ана шундай эркин, дориломон замонларни орзу қилган эди шоир. Айни шу кунлар орзулари қорақалпоқ халқининг бугунида амалга ошди.

## АДАБИЙ УЧРАШУВ

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида қорақалпоқ шоири Бердақ таваллудининг 170 йиллигига бағишланган адабий учрашув бўлиб ўтди.

Йиғилишни институт ректори Акрам Акмалов кириш сўзи билан очди. Адиб Раҳимжон Отаев (Отаули) шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. Қорақалпоғистон педагог ходимлари малакасини ошириш институти ректори Тамара Утамбетова Бердақнинг қорақалпоқ тилидаги шеърларидан ўқиб берди. Қрим-татар адиби Сафтер Нўғаев, шоир Рауф Парфи, шоира Фарида Бўтаева (Афрўз), ўзбек тили ва адабиёти курси тингловчиси Ҳикмат Самадовлар ўз шеърларидан ўқиб бердилар.

Шундан сўнг ўзбек тили ва адабиёти курси тингловчилари томонидан Бердақ шеърлари ва қўшиқлари ижро этилди. Шоирнинг «Аҳмоқ подшо» достонидан саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

Бу кечада иштирок этган ҳар бир киши кўнглида дўстлик масофа билмаслиги кечган бўлса, ажабмас. Чунки, қорақалпоқ ва ўзбек халқлари дўстлиги, адабиёти, санъати бирлиги мана шу тадбирда яна бир бор тасдиқланди.

**Шарифа МУРОДЖОН қизи**

## САЛОМ КЕЛТИРДИМ

**Қорақалпоқ юртин кўзу қораси,**
**Шоирлар ичида султон, сараси,**
**Сўз мулкининг бўлолдингиз тўраси,**
**Буюк элдан сизга салом келтирдим.**

**Не балолар тушди бу ғариб бошга,**
**Қалбингиз тўкдингиз бир қалам қошга,**
**Эвоҳ, чил-чил синди тегиб ул тошга,**
**Умрингизни ғариб, офтобда кўрдим.**

**Элнинг дарди билан яшаб ўтдингиз,**
**Манфур замонадан адл кутдингиз.**
**Халқингизга дилни шеърла тутдингиз,**
**Гулдаста ҳислардан калом келтирдим.**

**Оқибат дардингиз шеърга тўкдингиз,**
**Мағрур, золим каслар бошин букдингиз,**
**Она халқни улуғлаб, сиз тиз чўкдингиз,**
**Бугун авлодлардан ташаккур кўрдим.**

**Бугунги айёмда эл сўйлар сизни,**
**Талпиниб, қўмсадик биз руҳингизни,**
**Тақдир ёруғ қилди гул юзингизни,**
**Мен ҳам пойингизга гулдаста қўйдим.**

**Ҳикмат САМАДОВ,**
**Китоб туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси**

# ҚУТЛОВ

**Қамаши тумани Ғафур Ғулом номидаги 63-мактабнинг олий тоифали тил-адабиёт ўқитувчиси Гулчеҳра ХУДОЙБЕРДИЕВА!**

**Сизни таваллуд топган кунингизга 50 йил тўлиши муносабати билан қутлаймиз! Сизга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз. Нафақа йилларингиз қувончли кечсин!**

**Ҳурмат-эҳтиром билан турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз**


# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## ҲУРМАТЛИ ЁШЛАР!

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичлари учун замон талабларига тўла жавоб берадиган юксак савияли педагогик кадрлар тайёрлашга киришди. Университетимиз 1998—99 ўқув йилида таълим йўналишларининг қуйидаги: **инглиз тили, қозоқ тили ва адабиёти, математика ва информатика, физика, химия, биология, география, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, миллий мактабларда рус тили ва адабиёти, корейс тили, ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия, дефектология, мактабгача тарбия, педагогика ва бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси, чизмачилик ва тасвирий санъат, мусиқа-педагогикаси ва касбга ўргатишнинг муҳандис-педагоги, агроном-педагог, фермер-педагог** мутахассисликлари бўйича келажакда ўз тақдирини таълим ва тарбия касби билан боғлашга қарор қилган 2080 нафар ёшларни қабул этишга ҳозир бўлиб турибди.

Бу олий даргоҳда талабаларнинг асосий касбига қўшимча равишда чет тили, компьютер техникаси, иқтисодиёт, ҳуқуқий билим асослари ҳам ўргатилади.

Иқтидорли ёшлар учун махсус гуруҳ ўқишлари ташкил этилади. Уларга Республика Истеъдод маркази, «Улуғбек» жамғармаси, республика ёшлари «Камолот» жамғармаси ҳомийлик қилади. Илғор талабаларни «Умид» жамғармаси талабларига жавоб берадиган махсус дастур асосида қўшимча ўқитилиб, танловларда қатнашиш ва ғолиб сифатида уларнинг чет элларда ўқишларини давом эттиришлари учун шароит яратилади.

Ҳамма талабалар стипендия билан таъминланиб, талабалар уйлари, кутубхоналар, ўқув лабораториялари ва устахоналаридан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

## Азиз ёшлар!

**Умид қиламизки, замонамизнинг пешқадам мутахассиси бўлиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Сизларга яратилган катта имкониятлардан фойдаланасиз ва бизнинг университетимизга ўз ҳужжатларингизни тез кунларда келтириб топширасиз.**

**Марҳамат қилинг, Биз Сизни кутмоқдамиз, Сизнинг давлат тест синовларида фаол қатнашиб, юқори кўрсаткичлар кўрсатишингиз тарафдоримиз ва Биз ҳам бундан манфаатдормиз.**

***Бизнинг манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси 103-уй Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қабул комиссияси.***


**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги педагогик таълим ва фан Бош бошқармаси бошлиғининг муовини Қудрат Мўминхўжаевга волидаи муҳтарамалари**

**Жўрахон ая**
**АҲРОРХЎЖА қизи**

**вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

**1-Тошкент педагогика билим юртининг ўқув ишлари бўйича директор муовини Гулчеҳра Мақсудовага волидаси**

**Роҳатой ая**

**вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.**


Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:

Зубайда УСМОНОВА,

Ҳайрулла АБДУРАҲМОНОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0175. Тиражи 26234. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6